

Абулқосимов Ҳ.П.
ЎзМУ профессори, и.ф.д.

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми, уни таъминлашнинг энг муҳим шарти ёки омили, кўрсаткичи иқтисодий хавфсизликдир. “Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси энг умумий тарзда мамлакатнинг моддий ва номоддий, қайта тикланадиган ва тикланмайдиган иқтисодий салоҳиятини ифодалайди. “Иқтисодий хавфсизлик” тушунчасининг мазмуни илмий адабиётларда турлича талқин қилинади.

А.Прохожев ва М.Корниловлар мазкур тушунчани иқтисодиётнинг прогрессив ривожланиши ва нормал даражада амал қилишининг муҳим шарти, иқтисодиёт соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланиши деб тавсифлайдилар. Уларнинг фикрича, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳаётий муҳим манфаатлар, шахс, жамият ва давлат мавжудлиги ҳамда уларнинг прогрессив ривожланиш имкониятларини ишончли тарзда таъминлайдиган эҳтиёжларнинг қондирилиши демакдир.¹

Т.Е.Кочергина “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасига иқтисодий тизимнинг ўзини-ўзи ўзгармас ҳажмларда, доимий микдорий ва сифат тавсифларда такрор ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлган ҳолати деб таъриф беради.²

Д.В.Гордиенконинг фикрича, иқтисодий хавфсизлик миллий хўжаликнинг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланиш ҳолати бўлиб, бу ҳолат жамиятнинг изчил ривожланишини, ички ва ташқи салбий омиллар таъсир кўрсатаётган шароитда ҳам иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлайди.³

Ушбу фикрларга асосланган ҳолда “иқтисодий хавфсизлик” тушунчасини миллий иқтисодиёт мустақиллиги, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янгиланишга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар йиғиндиси, деб таърифлаш мумкин.

Иқтисодий хавфсизлик иқтисодиётнинг турли субъектларига тегишли бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: алоҳида фуқаролар; хусусий тадбиркорлик ва давлат корхоналари; миллий иқтисодиёт; давлат. Шу боисдан иқтисодий хавфсизлик шахс, корхона ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги шаклларида намоён бўлади. Бизнинг фикримизча, иқтисодий хавфсизлик шакллари ишлаб чиқариш-хўжалик, хўжалик-истеъмол,

¹ Прохожев А., Корнилов М. О проблеме критериев и оценок экономической безопасности // Общество и экономика, №4, 2003.

² Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. – Ростов н/Д: Феникс, 2007. -С.6.

³ Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекций: учеб-метод пособие. –М.: Финансы и статистика; ИНФРА-М, 2009. –С.8.

молиявий, транспорт коммуникациялари ва ижтимоий соҳалар бўйича туркумлаш мақсадга мувофиқдир.⁴

Ички иқтисодий соҳаларда хавфсизлик табиий, техникавий-иқтисодий, инфратузилмавий, ижтимоий, микро ва макроиқтисодий ривожланишнинг бошқа омиллари, шунингдек, беқарорлик, тангликни келтириб чиқарувчи ички ва ташқи таҳдидлар таъсиридан ҳимоя қилувчи ички иммунитетлар билан боғлиқдир. Ташқи иқтисодий соҳадаги хавфсизлик мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлилиги, миллий валютаси барқарорлиги, давлатнинг молиявий аҳволи билан тавсифланади.

Иқтисодий хавфсизлик тамойиллари сифатида ижтимоий-иқтисодий тизим аҳволининг қуйи чегарасини ифодаловчи кўрсаткичлар қўлланади. Мазкур қуйи чегаралардан паст кўрсаткичларда иқтисодий тизим учун таҳдидлар вужудга келади, ҳатто бу тизимнинг бузилиши, деградацияси юз бера бошлайди. Ушбу қуйи чегара ва унинг миқдорий ўлчамларини аниқлаш, белгилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- миллий иқтисодиёт ва иқтисодий тизим фаолиятининг асосий шароитларини ўрганиш ва уларни тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлаш;
- миллий иқтисодиётни танглик ва беқарорликка олиб келувчи омилларни аниқлаш;
- турли танглик, хавфли ҳолатлар юзага келишининг тартиби ва имкониятларини баҳолаш;
- хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга хавф солувчи таҳдидларнинг олдини олиш йўллари аниқлаш.⁵

Жаҳон миқёсида қабул қилинган иқтисодий хавфсизликнинг қуйи ва юқори таҳликали чегаралари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Иқтисодий хавфсизликнинг қуйи ва юқори таҳликали чегаралари⁶

Кўрсаткичлар	Қуйи ва юқори таҳликали чегара	
	Мазмуни	даражаси %
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (қуйи чегара)	16
Ишсизлик даражаси	Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан, фоиз (юқори чегара)	8
Монетизация даражаси	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (қуйи чегара)	25
Ташқи қарз	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (юқори чегара)	40
Ички қарз	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (юқори чегара)	30

⁴ Қаранг: Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма.-Т.:”Akademiya“, 2012.-26-29-бетлар.

⁵ Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма.-Т.:”Akademiya“, 2012.-22-бет.

⁶ Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекций: учеб-метод пособие. – М.: Финансы и статистика; ИНФРА-М, 2009. –С.76,77,78,79,81,82,83,85,86,87,88,89,90,91,92. Асосида муаллиф томонидан тузилди.

	чегара)	
Ташқи қарзлар бўйича тўловлар	Тўловларнинг йиллик экспорт ҳажмига нисбатан, фоиз (юқори чегара)	25
Мудофаага харажатлар	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (юқори чегара)	3
Фуқаролик фанларига харажатлар	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (қуйи чегара)	1,5
Инновацион маҳсулотлар	Саноат маҳсулотлари умумий ҳажмига нисбатан, фоиз (қуйи чегара)	15
Саноат ишлаб чиқаришда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	Саноат ишлаб чиқариш ҳажидаги улуши, фоиз (қуйи чегара)	25
Давлат бюджети дефицити	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз (юқори чегара)	3,0
Давлат қарзини қоплаш харажатлари	Давлат бюджети харажатлари ҳажмига нисбатан, фоиз (юқори чегара)	20
Яшаш минимумидан паст даражада даромад олувчи аҳоли	Аҳоли умумий сонидаги улуши, фоиз (юқори чегара)	7,0
Аҳоли даромадлари бўйича табақаланиши	Децил коэффиценти (юқори чегара)	8,0

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодий ривожланишнинг ўзбек моделини амалга оширилиши оқибатида қисқа вақт ичида чуқур тангликдан чиқишга муваффақ бўлди ва 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш тенденцияларига эга бўлди. 1996-2003 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти ўртача 4% йиллик ўсиш суръатларида ривожланган бўлса, 2004 йилдан бошлаб, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳазлашга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштиришни амалга ошириш натижасида, йилига ўртача 7-9% даражасидаги барқарор ва юқори ўсиш тенденциясига эга бўлди. Кейинги 10 йилда (2007-2016йй.) ЯИМ 2,2 баробардан зиёдга ўсди.

Асосий капиталга киритилган инвестиция 2016 йилда 1991йилга нисбатан 4,2 мартага, 2000 йилга нисбатан 5,4 мартага ўсди. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 2016 йилда 25,0%ни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2000йилда 22,9%ни, 2010 йилда 24,6%ни ташкил этган эди. Демак, бу кўрсаткич қуйи таҳликали даражадан анча юқоридир. Давлат бюджети 2005 йилдан бошлаб профицит билан бажарилишига эришилди. Давлатнинг ташқи ва ички қарзлари даражаси таҳликали хавф чегарасидан анча пастдир. Инфляция 5-6% даражасида барқарорлашди. Ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 5-6% да бўлиб, таҳликали юқори даражадан анча кам бўлиши таъминланди. Иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартиришга қаратилган сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида 1995-2016 йилларда ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 32,4% дан 17,6%га қисқарди,

саноатнинг улуши эса 27,8% дан 32,9%га, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши эса 39,8%дан 49,5%га ўсди. Аҳоли учун истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2016 йилда 1991 йилга нисбатан 10,9 мартага, 2015 йилга нисбатан эса 6%га ўсди.⁷

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларнинг натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2016 йилда 56,9 фоизга етди ёки 1,8 баробар ошди. 2016 йилда кичик бизнес улуши саноатда 45% ни, инвестицияларда 40,3%ни, қурилишда 70,7% ни, чакана савдо айланмасида 89,6% ни, қишлоқ хўжалигида 98% дан зиёдни ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигида 78,1% ни ташкил этди. Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига даромадлар ўсиб борди. Масалан, 2016 йилда бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 11,7 мартага, ўртача иш ҳақи миқдори 23,6 мартага, пенсия миқдори эса 18,1 мартага ўсди.⁸

2017 йилда иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5%ни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15%га кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди. Давлатимизнинг олтин-валюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайди. Янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Шавҳар ва қишлоқларда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 20 баробар, 2019 йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилган.⁹

Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, таркибий ўзгаришларни амалга оширилиши натижасида барқарор иқтисодий ўсишга эришилди. Бу эса мамлакат иқтисодий мустақиллигини ва хавфсизлигини таъминлашга имконият яратди. Аммо иқтисодиётимиз ривожланишида ҳали кўплаб муаммолар мавжуд бўлиб, улар иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар ҳисобланади. Бу таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши. 2017 йилда ЯИМ ўсиш суръати 7,8% бўлиши прогноз қилинган эди, аммо 5,5% ўсишга эришилди;

- инфляция суръатларининг ўсиб бориши. Ўзбекистон Марказий банк прогнозига кўра, 2017 йил якунига қадар инфляция миқдори 12-14 %ни ташкил қилиши мумкин. Бу ўтган йилгига (5,7%) нисбатан 2,5 барабар кўп. Маҳсулот ва хизматларнинг истеъмол баҳолари индекси (ИБИ) бўйича ҳисобланган ушбу инфляция миқдорида, асосий ўсиш – озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларида кузатилган. Хизматлар нархи эса – камроқ

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари //www.stat.uz.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари //www.stat.uz.

⁹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017йил 23 декабрь.

ошган.¹⁰ 2018йилда эса инфляция ўсиши 12,4–13,4% доирасида прогноз қилинмоқда;

- минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасининг пастлиги;

- саноат ишлаб чиқаришда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғи улушининг таҳликали қуйи чегарасидан анча пастлиги;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи иқтисодий фаолияти сўнгги 2-3 йил давомида асосий экспорт бозорларида нархларнинг паст даражада сақланиб қолиши ва мамлакатимизнинг қатор савдо ҳамкорларида миллий валюталарнинг кескин девальвация қилиниши натижасида шаклланган мураккаб савдо ва кескин рақобат муҳитида амалга оширилиши оқибатида ташқи савдо айланмаси ҳажми 2014 йилдаги 28,1 миллиард доллардан 2016 йилда 24,7миллиард долларга камайган. 2016 йилда бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 97,5%ни ташкил этди, яъни 2,5%га камайди. Жаҳон хўжалиги тизимида мураккаб савдо ва кескин рақобат муҳитининг ҳамон сақланиб қолаётганлиги жиддий ташқи таҳдиддир;

- фуқаролик фанларига харажатлар ЯИМдаги улуши қуйи таҳликали чегадан анча пастлиги;

- инновацион маҳсулотларнинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмига нисбатан қуйи таҳликали чегарадан анча пастлиги инновацион ривожланиш йўлига ўтишга тўсқинлик қилувчи омилдир;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида келтирилган иқтисодий муаммолар, яъни табиий, иқтисодий бой ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги, бу бойликларнинг катта қисмининг бекордан-бекорга исроф бўлаётганлиги, базавий соҳаларда ишлаб чиқаришнинг йиллар давомида модернизация қилинмаганлиги, маҳсулот энергия сиғимининг юқорилиги, энергия ресурсларига нархларнинг пастлиги, баъзи корхоналарга имтиёзлар бериш орқали рақобат муҳитининг бўғиб қўйилиши, нархларнинг барқарор бўлишига салбий таъсир кўрсатилганлиги, инвестиция дастурларини шакллантиришдаги камчиликлар, бизнесга давлат аралашуви кўламининг катталиги, инновацион ривожланиш йўлига ўтишдаги сусткашликлар¹¹ мамлакат иқтисодий хавфсизлигига жиддий таҳдидлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда имзолаган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг амалга оширилиши иқтисодий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида иқтисодиётни

¹⁰ <http://sputniknews-uz.com/economy/20171204/6989455.html>

¹¹ Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017йил 23 декабрь.

ривожлантириш ва либераллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур ишлаб чиқиш;
- Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастурини амалга ошириш;
- мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини самарали таъминлаш;
- солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш;
- тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантиришсиёсатига ўтиш;
- бюджет тизимини қайта кўриб чиқиш, бюджет даромадлари ва харажатлари ҳалқимиз учун очиқ ва ошқора бўлишини таъминлаш;
- инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепцияни яратиш;
- миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида “Миллий логистика порталини” ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш;
- ҳудудларни жадал ривожлантириш;
- қурилиш соҳасини 2030 йилгача инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.¹²

Ушбу устувор йўналишларининг амалга оширилиши миллий иқтисодиётни янада барқарор ривожланишига, иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий таъсирини юмшатишга имконият яратади.

Хавфсизликни, шу жумладан, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг учун, авваламбор, унинг сиёсий, ташкилий ва ҳуқуқий асослари яратилади. Ушбу мақсадда концепция ишлаб чиқилади. Уни ишлаб чиқиш эса иқтисодиёт ҳолатини объектив баҳолашга ҳамда унинг ривожланиш тамойили ва тенденцияларини прогноз қилишга асосланади. Бунинг учун иқтисодий хавфсизликни белгиловчи вазият ва ҳолатлардаги сабаб-оқибатлари аниқлаш учун илмий аналитик марказни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, иқтисодий хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлашга масъул, жавобгар давлат органлари, ташкилот ва муассасалар ҳамда уларнинг вазифалари белгиланади.

Иқтисодий хавфсизлик концепциясида иқтисодиётда ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажми ва динамикаси, иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги, иқтисодиётнинг очиклиги, интеллектуал салоҳиятнинг

¹² Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017йил 23 декабрь.

ҳолати, инновацион даражаси, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиш даражаси, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденцияларининг истиқболли прогнозлари ва уларнинг асосий устуворликлари ўз ифодасини топиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2017йил 23 декабрь.
2. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма.-Т.:”Akademiya“, 2012.
3. Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари. Монография.- Т.: Ilmiy-Tehnika Axboroti-Press, 2017.
4. Гордиенко Д.В. Основы экономической безопасности государства. Курс лекций: учеб-метод пособие. – М.: Финансы и статистика; ИНФРА-М, 2009.
5. Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. – Ростов н/Д: Феникс, 2007.
6. Прохожев А., Корнилов М. О проблеме критериев и оценок экономической безопасности // Общество и экономика, №4, 2003.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари //www.stat.uz.
8. <http://sputniknews-uz.com/economy/20171204/6989455.html>